

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1137-ҳадис

1137 - وَعَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي قَبْلَ الْعَصْرِ كَعَتَيْنِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِإِسْنَادٍ صَحِيحٍ [1272].

1137. Али ибн Абу Толиб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам асрдан олдин икки ракъат ўқирдилар».

Абу Довуд саҳиҳ иснод билан ривоят қилдилар.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам аср намозининг суннати фарздан аввал баъзан икки ракат, баъзан эса тўрт ракат ўқиганлари баён қилинмоқда. Пайғамбаримиз аср намозининг фарзидан кейин суннат намоз ўқишликка рухсат бермаганлар.

Умар (р.а.) шундай дедилар: «Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам аср намозидан кейин кун ботгунига қадар намоз ўқишни ман этдилар». (Имом Бухорий ривояти).

Ислом олимлари аср намози суннати «Суннати муаккада» эмаслигини билдиришган. Яъни баъзан қилиниб, баъзан тарк этилиши мумкин бўлган мустаҳаб амаллардан биридир. Юқоридаги ҳадисда очиқланганидек, ким Аллоҳнинг раҳматига эришмоқни истаса, бу суннат намозини ўқисин.

Ҳадисдан ўрганганларимиз:

1. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам аср намозининг суннати баъзан икки ракат, баъзан тўрт ракат ўқиганлари.
2. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам аср намозининг фарзидан олдин тўрт ракат суннатни ўқиганларга дуо қилганлари.
3. Аср намозининг суннати таъкидланган суннат эмас, балки доимий қилган

киши кўп савобни қўлга киритиши.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI